



Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳузуридаги “Республика марказий кўзи
ожизлар кутубхонаси ҳамда унинг ҳудудий ва туман (шаҳар) кўзи ожизлар
кутубхоналари”га мебеллар сотиб олиш ва етказиб бериш бўйича

ТАНЛАШ ҲУЖЖАТИ

Тошкент 2022 й.

I. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

- 1 Умумий қондалар.**
- 1.1 Ушбу танлов ҳужжати Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонуни (бундан сўнг матнда – Қонун) ва бошқа қонун талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган
- 1.2 Танлаш мавзуси: **Маданият вазирлиги тасарруфидаги Кўзи ожизлар кутубхоналарига мебел ва офис жихозлари (кейинги ўринларда — Асосий воситалар) билан таъминлаш.**
- 1.3 Асосий воситалар билан таъминлашда жами энг юқори қиймати 15% ҚҚС билан **1 687 000 000** умумий суммани ташкил қилади. Танлов таклифида кўрсатилган нархлар энг юқори қийматдан ошмаслиги зарур. Бошлангич нархлар <https://xarid.uzex.uz/> электрон сайтдан ўрганилди.
- 1.4 Кўрсатиладиган хизматлар учун техник топшириқ танлов ҳужжатларининг техник қисмида тақдим этилган.
- 1.5 Танлов комиссияси мажлисининг шакли - *электрон*.
- 2 Танлов ташкилотчилари**
- 2.1 Ташкилот номи **Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги** (бундан сўнг — «Буюртмачи»)
«Буюртмачи»
Манзили: Тошкент ш., Т.Шевченко кўчаси, 1 уй
Тел: 55-502-33-77 (090, 091, 092)
«Буюртмачи» реквизитлари:
ИНН: 200936214
ОКЭД: 84300
Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги газначилиги
Л/С: 1000 10 860 26 273 7082 103 056 001
Марказий банк Тошкент шаҳар ҳисоб-китоб касса маркази Тошкент ш.
ЎЗР МБ Тошкент шаҳри бўйича ХҚКМ
х/р: 23402000300100001010
МФО 00014
СТИР: 201 122 919
- 2.2 Буюртмачининг алоқа шахси:
ФИШ: Ф.Иргашев, А.Жонибеков
email: buxgalter.madaniyat@exat.uz
Тел: 55-502-33-77 (190, 092)
- 2.3 Шартнома тузувчи: **Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги**
- 2.4 Танлов Буюртмачи томонидан тузилган, таркиби камида бешта аъзодан иборат бўлган Танлов комиссияси томонидан ўтказилади.
- 3 Танлов иштирокчилари**
- 3.1 Танловда ТИЙ 4.11 да кўрсатилган юридик шахслардан ташқари, мулкчилик шаклидан қатъий назар исталган юридик шахслар, шу жумладан кичик бизнес субъектлари иштирок этишлари мумкин.
- 4 Танловни ўтказиш тартиби**
- 4.1 Танловда иштирок этиш учун иштирокчи қўйидагиларга мажбур:
а) танлов шартлари билан танишиш учун махсус ахборот порталида жойлаштирилган танлов ҳужжатларининг электрон шаклини олиш (юклаб олиш);
б) ушбу ТИЙ талабларига мувофиқ ҳолда малакавий ҳужжатлар

ва танлов таклифни тақдим этиш:

- | | | | |
|---|--|-----|---|
| 5 | Танлов савдолари да қатнашиш учун иштирокчиларни малакавий танланиши | 5.1 | Танлов бошланишидан олдин, танлов комиссияси томонидан иштирокчиларнинг малакавий танланиши амалга оширилади. Танловда иштирок этиш учун фақат малакавий танловдан ўтган иштирокчиларгина рухсат этилади. |
| | | 5.2 | Малакавий баҳолаш мезонлари тақдим этилган. |
| 6 | Танлов тили, ўлчовлар бирлиги. | 6.1 | Иштирокчи ва буюртмачи томонидан амалга ошириладиган танлов таклифлари ва у билан боғлиқ бўлган корреспонденция ўзбек тилида ёки рус тилида бўлиши керак. |
| 7 | Танлов таклифи ва уни расмийлаштириш тартиби | 7.1 | Иштирокчи техник ва нарх таклифларидан иборат бўлган ҳужжатлар тўпламини онлайн тартибда электрон сайтга жойлаштириши керак. |
| | | 7.2 | Танлов иштирокчиси: <ul style="list-style-type: none"> - тақдим этилаётган маълумотлар ва ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва ишончлилиги учун жавобгар; - ҳар бир иштирокчи фақат битта таклиф беришга ҳақли; - таклифларни тақдим этиш муддати яқунланганга қадар киритилган таклифни чақириб олиш ёки унга ўзгартириш киритишга ҳақли. - танлаш иштирокчилари томонидан коррупция кўринишларига йўл қўймаслик бўйича ариза тақдим этиш мажбурийлиги ҳақидаги талаб |
| | | 7.3 | Танлов таклифи икки қисмдан иборат: <ul style="list-style-type: none"> - техник қисми Буюртмачининг техник талабларига мувофиқ бўлиши ва таклиф этилаётган асосий воситаларнинг техник топшириқларга мувофиқ холда батафсил ва аниқ тавсифига эга бўлиши лозим; |
| | | 7.4 | Танлов таклифи қуйидаги тарзда расмийлаштирилади. <ul style="list-style-type: none"> - давлат буюртмачиси томонидан харид комиссиясига тақдим этилган муҳокама натижалари тўғрисидаги ахборот асосида харид комиссиясининг тегишли мажлиси баённомаси расмийлаштирилади ва имзоланган кундан бошлаб уч иш куни ичида давлат харидларининг электрон тизимида жойлаштирилади. - танлаш натижалари бўйича тузилган шартнома тўғрисидаги ахборот давлат буюртмачиси томонидан махсус ахборот порталига у тузилган кундан бошлаб уч иш кунидан кечиктирмай жойлаштирилади. |
| | | 7.5 | Иштирокчиларнинг танлов таклифи амал қилиш муддати, танлов |




- таклифларини тақдим этиш яқунланган санадан бошлаб камида 90 кун бўлиши керак.
- 8 Танлов таклифларини тақдим этиш муддатини узайтириш**
- 8.1 Танлов комиссияси танловни ёпиш санасини кўчириш (танлов таклифларини тақдим қилиш муддатини узайтириш) ҳақидаги қарорни қабул қилиши мумкин бўлиб, ушбу қарор танловнинг барча иштирокчилари учун амал қилади. Танловни узайтириш муддати 10 кундан ошмаслиги керак
- 8.2 Муддатни узайтириш тўғрисидаги қарор фақат танлов комиссиясининг мажлисида қабул қилинади.
- 8.3 Танлов таклифларини тақдим қилиш муддатларини узайтириш ҳақидаги эълон <https://etender.uzex.uz/> сайтида жойлаштирилади.
- Томонларнинг жавобгарлиги ва махфийликка риоя қилиш**
- 9.1 Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилган жавобгарлик қуйидагилар зиммасига юкланади:
- тақдим этилаётган танлов таклифларининг ҳисобини юритаётган ва уларнинг сақланиши ва махфийлигини таъминлаётган, ишчи орган таркибига кирувчи шахслар;
- комиссия раиси ва аъзолари, шунингдек танлов таклифларини ўрганиш учун тузилган ишчи гуруҳ аъзолари маълумотларни ошқор қилгани, иштирокчилар ва комиссиянинг бошқа **аъзолари, шунингдек жалб қилинган экспертлар билан тил бириктиргани, шунингдек бошқа қонунга хилоф ҳаракатлар учун.**
- Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини (миқдорий, сифат ва техник параметрлар бўйича) бажармаган танлов ғолиби Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва/ёки тузилган шартномада назарда тутилган жавобгарликка эга бўлади.
- 10 Бошқа шартлар**
- 10.1 Танловда иштирок этиш истагини билдирган иштирокчилар, ўтказилаётган танлов бўйича тушунтиришларни олиш учун маъсул шахсга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.
- 10.2 Буюртмачи Харид комиссияси билан келишган ҳолда, танловда иштирок этиш учун таклифларни бериш муддатининг яқунланиш санасидан камида уч кун олдин танлов ҳужжатларига ўзгартириш киритиш ҳақида қарор қабул қилишга ҳақли.
- 10.3 Шартнома предмети (шартига) ва хажмига ўзгартириш киритишга йўл қўйилмайди. Бунда танловга таклифларни тақдим қилишнинг яқунланиш муддати, танлов ҳужжатларига ўзгартиришларни киритиш санасидан бошлаб камида ўн кунга узайтирилиши керак.
- 10.4 Танлов иштирокчиси буюртмачига танловни ўтказиш учун берилган эълонда белгиланган шаклда танлов ҳужжатларидаги қоидалар бўйича тушунтириш олиш бўйича сўров юборишга ҳақли. Буюртмачи ушбу сўров келиб тушган кундан бошлаб уч иш куни давомида, агар мазкур сўров буюртмачига таклифларни бериш муддати яқунланган санадан камида икки кун олдин келган бўлса, танлов ҳужжатларининг қоидалари бўйича тушунтиришни белгиланган шаклда йўллаши шарт.

10.5 **Танлов иштирокчиси томонидан жойлаштириладиган электрон хужжатлар ва электрон хабарларнинг мазмунини ўзгартиришга ҳақли эмас.**

10.6 Танлов комиссияси томонидан танлов қуйидаги ҳолларда ўтказилмаган деб ҳисобланади:

агар танловда битта иштирокчи қатнашган ёки умуман ҳеч қандай иштирокчи қатнашмаган бўлса;

агар таклифларни кўриб чиқиш натижалари бўйича танлов комиссияси барча таклифларни рад этган ёки фақат битта таклиф танлов талабларига мувофиқ бўлса;

давлат харидларини амалга оширишда аффилиланганлик тўғрисидаги ахборотни тақдим этиши шарт.

барча тақдим этилган танлов таклифлари зарур бўлган хужжатлар тўпلامига эга бўлмаса.

10.7 Буюртмачи ғолиб бўлган таклиф акцептига қадар исталган вақтда танловни бекор қилишга ҳақли. Буюртмачи танловни бекор қилган тақдирда, ушбу бекор қилиш қарорининг асослантилган сабабларини махсус ахборот порталида эълон қилади.

**11 Шартнома
ни тузиш**

11.1 Баённома давлат буюртмачиси томонидан у расмийлаштирилган кунда давлат харидларининг электрон тизимига **муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилади.**

Агар икки иш куни ичида танлаш иштирокчилари томонидан танлаш ўтказиш натижалари бўйича эътирозлар келиб тушмаган бўлса, давлат буюртмачиси ва харид комиссияси томонидан ғолиб деб топилган иштирокчи ўртасида шартнома тузилади.

Муҳокама учун белгиланган муддат тугаганидан кейин келиб тушган эътирозлар харид комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди.

Танлаш иштирокчилари томонидан танлаш ўтказиш натижалари бўйича эътирозлар келиб тушганда, харид комиссияси эътирозларни кўриб чиқади ва тегишли қарор қабул қилади.

Давлат буюртмачиси томонидан харид комиссиясига тақдим этилган муҳокама натижалари тўғрисидаги ахборот асосида харид комиссиясининг тегишли мажлиси баённомаси расмийлаштирилади ва имзоланган кундан бошлаб уч иш куни ичида давлат харидларининг электрон тизимига жойлаштирилади.

Танлаш натижалари бўйича тузилган шартнома тўғрисидаги ахборот давлат буюртмачиси томонидан махсус ахборот порталига у тузилган кундан бошлаб уч иш кундан кечиктирмай жойлаштирилади.

11.2 Танлов натижалари бўйича шартнома танлов хужжатларида ва шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан тақдим этилган таклифда кўрсатилган шартларда тузилади.

11.3 Танлов комиссиясининг қарори бўйича ғолиб деб эълон қилинган танлов иштирокчиси буюртмачидан тегишли хабарномани олади.

11.4 **Танлов ғолиби томонидан шартноманинг ўз вақтида имзоланмаслиги, шартномани тузишдан бош тортиш деб баҳоланади. Ушбу ҳолатда танловнинг кейинги иштирокчиси (захирадаги, яъни баҳоланган якуни бўйича иккинчи ўринни**

эгаллаган иштирокчи)нинг мақбул таклифи кўриб чиқилади.

11.5 танлаш иштирокчилари томонидан коррупция кўринишларига йўл қўймаслик бўйича ариза тақдим этиш мажбурийлиги ҳақидаги талаб

НАРХ ҚИСМИ

1	Лойиҳанинг чекланган қиймати	<u>Асосий воситаларнинг чекланган қиймати 15% ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда 1 687 000 000 (бир миллиард олти юз саксон етти миллион) сўм.</u>
2	Молиялаштириш манбаи	<u>Бюджет</u>
3	Иштирокчилар учун тўлов шартлари	<u>Ўзбекистон Республикасининг "Давлат харидлари тўғрисида"ги қонунига мувофиқ (41-модда), Шартнома умумий суммасининг камида 15% миқдоридagi аванс тўлови, шартнома тўғрисидаги маълумотлар, шартномалар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирги Фазначилигидан рўйхатдан ўтган кундан бошлаб 10 (ўн) банк кўни ичида амалга оширилади.</u>
4	Тўлов валютаси	<u>Ўзбек сўми</u>
5	Етказиб бериш муддати	<u>10 кун</u>
6	Танлов таклифининг амал қилиш муддати	<u>танлов таклифларини топшириш тугаган кундан бошлаб камида 90 банк иш кўнида.</u>

Энг яхши таклифларни танлаб олиш иштирокчилар учун қўйиладиган талаблар

№	Мезон	Балл
1	Танлов иштирокчисининг юридик рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома (Электрон (PDF) ташкилот раҳбари ва таъсисчиларининг тўлик (исми,шарифи, отасининг исми) кўрсатилган ҳолдаги ҳамда иштирокчи томонидан муҳрланган кўриниши. http://registr.stat.uz/enter_form/index.php	5
2	Танлов иштирокчиси 5 йилдан кам бўлмаган муддат давомида фаолият юритаётганлиги (Талабларнинг 1 қисмидан кўрилади) http://registr.stat.uz/enter_form/index.php	5
3	Танлов иштирокчисининг қайта ташкил этилиш, тугатилиш ёки банкротлик ҳолатида бўлмаслиги. (Давлат хизматлари агентлиги ёки давлат активларини бошқариш агентлигинининг маълумотлари) https://my.gov.uz ёки https://davaktiv.uz/	10
4	Танлов иштирокчисининг Буюртмачи билан суд ёки арбитраж иш ҳолатида бўлмаслиги. (<u>Иштирокчи томонидан ёзма маълумот тақдим этилади</u>)	10
5	Танлов иштирокчисининг Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрига киритилган бўлмаслиги (Давлат хизматлари агентлиги ёки давлат активларини бошқариш агентлигинининг маълумотлари) https://my.gov.uz ёки https://davaktiv.uz/	10
6	Танлов иштирокчиси 2021 йиллик ҳамда 2022 йил 6 ойлик якуни бўйича молиявий кўрсаткичлари ижобий (фойда билан) яқунланганлигини тақдирловчи баланс ҳисоботлари (ушбу ҳисобот қабул қилинганлик тўғрисидаги бели билан. https://my.soliq.uz/main/	25
7	Танлов иштирокчи рўйхатдаги товарларни етказиб бериш учун ўзининг ёки ижара шартномаси асосида ишлаб чиқариш техник базаси мавжудлиги (<u>Комиссия аъзолари ёки комиссия аъзолари танлаган вакиллари томонидан техник базаси мавжудлиги ва фаолият юритаётганлиги ўрганилади</u>).	35

**Энг яхши таклиф учун қўйилган мебел ва офис жихозлар
РЎЙХАТИ**

<u>Т/р</u>	<u>Товар номи</u>	<u>Товар хусусияти</u>	<u>Сони</u>	<u>1 дона маҳсулот учун нархи</u>	<u>Умумий баҳоси</u>
1	Стеллаж	Шкаф стеллаж (1032x550x2020мм). Вся конструкция изготовлен из высококачественного ЛДСП -1го сорта 16мм. Торцы шкафа обработаны ПВХ. Шкаф состоит две вертикальные боковушке 550 x 2020 мм на боковушках, полки 1000 x 550 мм и на полку в центр установлена разделительная перегородка 1000 x 150 мм. При монтаже использованы фиксаторы минификс стяжка метрик. Все части фурнитуры должны отвечать международным стандартам. Цвет изделия обговаривается с заказчиком.	502	2 000 000,00	1 004 000 000,00
2	Стул	Стул на железной раме: Высота изделия в нижнем положении 790 мм. Высота сидения в опущенном положении 480 мм. Ширина сидения 450 мм. Глубина сидения 440 мм. Высота спинки минимальная 310 мм. Каркас стула из хромированной трубы. Сидение и спинка стула изготовлен из качественного 16 мм ДСП, 580 гр плотности кожа заменителя. Высота поролона 70 мм, 25 плотности. Цвет и точный размер по согласования с заказчиком на месте.	970	500 000,00	485 000 000,00
3	Стол	Стол рабочий (1200* 700*700) Крышка стола толщиной до 32 мм. Торцы стола обработаны 2 мм ПВХ. Цвет изделия обговаривается с заказчиком.	200	990 000,00	198 000 000,00
		ЖАМИ:	1672		1 687 000 000,00

